


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

2023

DAVRIYLIGI:
2018-2023



SPEKTROSKOPIYA -
MATERIYANI BILISH USULI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORVIY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



YANVAR
№48

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
3-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-3**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-3**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 48-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегияси-дан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвир Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Мухаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Ғайбуллаева Юлдуз Анваровна СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АЙРИМ ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ ТАРИХИ.....	7
---	----------



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АЙРИМ ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ ТАРИХИ

Гайбуллаева Юлдуз Анваровна

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети доценти

Аннотация: 1950-1991 йилларда тикувчилик соҳасида бир қанча фабрикалар юзага келган. Бу асосан мазкур даврда совет ҳокимиятининг фабрика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга урғу берганлиги билан боғлиқ бўлган. Бошқа томондан, ҳар бир тикувчилик фабрикаси пайдо бўлишининг ўз тарихлари мавжуд. Уларнинг айримлари Иккинчи Жаҳон урушида даврида уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган корхоналар бўлган бўлса, айримлари ҳудуддаги маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг тикувчилик фабрикаларига айлантирилганлари бўлган. Бундан ташқари, бир қанча янги тикувчилик фабрикалари очилган.

Калит сўзлар: Тикувчилик фабрикаси, артел, Эътибор Шотурсунова, “Охунбобоев” тикувчилик фабрикаси, Марғилондаги атласи

1951 йилда Наманган шаҳрида 6-тикувчилик фабрикаси очилган. 1955 йилда ушбу фабрикада 400 нафар аёллар меҳнат қилган. Ушбу йилда тикувчилик фабрикаси 43 миллион сўмлик кийим маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Мазкур тикувчилик фабрикасининг болалар боғчаси мавжуд бўлган бўлиб, унда фабрикада меҳнат қилган аёлларнинг болалар қабул қилинган[1].

1950 йилларда Тошкентдаги Ленин номи артелда хотин-қизлар кийимлари тикилган. Бу артел ҳар доим аёллар билан гавжум бўлган. Аёллар бу ерга ўзлари дидига мос фасонда кўйлак, пальто, костюм ва бош қа кийимларни тиктириш учун келган. Мазкур артелда Эътибор Шотурсунова деган тикувчи қиз ишлаган. У бошқаларга қараганда қобилиятлароқ бўлган. Шу сабабли кўпчилик аёллар шу тикувчи қизга келиб кийим тикдирган. У “профтехшкола” тугатган бўлган ва тикувчиликни ўша ерда ўрганган. Унга масалан, ўша вақтда Политехника институти талабаси бўлган Рая Злотникова деган қиз келиб буюртмага пальто тикдирган. Унинг палтоси гавдага ёпишиб турадиган фасонда бўлган ва буюртмачига бу фаосн ёққанлиги учун тикувчи қизга миннатдорчилик билдирган[2].

Қўқон шаҳридаги “Охунбобоев” номи тикувчилик фабрикаси 1930 йилларда очилган. 1957 йилда ушбу тикувчилик фабрикаси икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, олти цехдан иборат бўлган. Фабрика қошида клуб, болалар боғчаси, кутубхона ва ошхона мавжуд бўлган. Бу фабрикада ҳар уч дақиқада битта кўйлак тикилган. Бунда тикиш ишлари кетма-кетликда амалга оширилган. Масалан, биринчи тикувчи ён чокини тикса, иккинчиси ёқа тиккан ва учинчиси манжетини ўрнатган[3].

Совет даврида айрим тикувчилик фабрикалари фақат аёллар кийимларини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Масалан, 1957 йилда Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикаси хотин-қизлар кўйлаги тикишга ихтисослаштирилган. Бу фабрикада ясли, боғча ва мактаб ёшидаги қизлардан тортиб, кекса аёлларга мўлжалланган хилма-хил кийим-кечаклар тикилган. Ушбу кийимлар асосан шерсть, шоҳи, чит, сатин, штапел каби матолардан тикилган ўзбекча ва европача кўйлаклар, кофта ва юбкалардан иборат бўлган. Ушбу фабрикада тикилган кўйлаклар республикадаги барча универсал ва фирма магазинларида сотилган[4]. Хусусан, бу фабрикада “Кремль”, “Ўзбекистон”, “Фарғона”, “Хосиятхон” ва “Яъбас” каби 15 рангда товланувчи атлас турлари ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, тимқора баҳмал ва фаранг рўмоллар ишлаб чиқарилган[5].

1960 йил май ойида Қўқон шоҳи-атлас фабрикаси артелдан фабрикага айлантирилган. Айнан мана шу йилда фабриканинг дасигоҳлари янгисига алмаштирилган ҳамда қўл меҳнатидан янги технологияларга ўта бошлаган. 1960 йилда бу фабрика 50 минг 500 метр хонатлас ва 584 минг 900 метр турли ипак ва ярим ипак мато ишлаб чиқарган. Мазкур фабрика ўз маҳсулотларини “Ўзбекбирлашув” ва “Ўзбекбошгалантерия” ташкилотлари



орқали сотган. Яъни киймга атлас ва ипак матолари керак бўлса ўша такшилотлар орқали буюртма берган. 1960 йилда фабрика 10 миллион 311 минг 900 сўм фойда олган[6].

Эвакуация юклари орасида 1170 та махсус универсал тикув машинаси, 260 та электромотор, 2 та механик конвейер, ҳар бири 180 киловатт қувватга эга бўлган 2 та трансформатор, 3 та токарлик станог ва 2 вагон тайёр кийим ҳамда бошқа техникалар бўлган бўлиб, улар 103 та вагонга юк бўлган[16]. 1941 йил 28 октябрда Андижон шаҳирад тикувчилик фабрикасининг дастлабки цехи ўз ишини бошлаган. Кейинчалик навбати билан яна бир қанча цехлар ишга туширилган. Умуман олганда, Иккинчи Жаҳон уруши давомида тикувчилик фабрикаси уруш эҳтиёжлари учун кийим-кечаклар тиккан[7].

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикаси аҳоли учун кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни бошлайди. Бир томондан, дастлаб ушбу корхона кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор бериб, кийим маҳсулотларининг сифатига эътибор бермайди. Фақатгина 1950 йилга келиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг сифатига ҳам эътибор қаратилади. 1955 йилда фабрика 57444 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, 1956 йилда бу кўрсаткич 83885 минг сўмни ташкил этган. 1960 йил 1 октябрда Андижон шаҳридаги 9-тикувчилик фабрикаси Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикасига бирлаштилади. 1962 йилда тикувчилик фабрикасида дастгоҳларни янги сига алмаштириш ишлари олиб борилган. Натижада фабрикада 326 та универсал ва 117 та масус янги дастгоҳлар ишлай бошлайди. 1964 йилда Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикасининг 7 та цехи ва 35 та бригадаси мавжуд бўлган бўлиб[15], уларда жами 1423 нафар ишчи-ходим меҳнат қилган. Шунингдек, мазкур даврда маҳаллий миллат вакиллари кўпроқ ишга жалб қилишга ҳаракат қилинган. Масалан, ушбу фабрикада 1959 йилгача 400 нафаргача маҳаллий аҳоли вакиллари ишлаган бўлса, 1960 йилларнинг охирига келиб тикувчилик фабрикасида 783 нафар маҳаллий миллат хотин-қизлари меҳнат қилаётган бўлган. Агар 1965 йилда фабрикада 15330 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1970 йилда у 17950 минг сўмни ташкил қилган. 1950-1970 йилларда ушбу фабриканинг 153 нафар ишчи-ходими турли орден ва медаллар билан тақдирланган[8].

Хусусан, ҳар йили 300 нафар киши ушбу ўкув комбинатини тугатган. Бундан ташқари, Андижон шаҳридаги техника билим юрти ҳам мазкур тикувчилик фабрикаси учун мутахассислар етказиб берган. Бунда асосан янги келган ёш ишчи-ходимлар малакали мутахассисларга бириктирилган ва шу орқали ёш кадрлар иш ўрганган. Масалан, 1980 йилда 239 нафар малакали ходимларга 460 нафар ёш ишчилар бириктирилган бўлган. Бошқа томондан, фабрика ҳар доим совет ҳокимияти томонидан ўтказилган социалистик мусобақада фаол иштирок этган. Бу нафақат юзаки тарзда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки ишчи-ходимларни совет ҳокимияти ғояларига тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган турли тадбирларда сезилади[9].

1970 йилларда чет давлатлардан янги модаларнинг кириб келиши ҳамда хотин-қизлар ўртасида янги турдаги кўйлақларга талаб ошиши натижасида Ўзбекистонда кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрикалар ва маҳсулотлар сони орта бошлади. Шунингдек, мазкур ҳолатга совет ҳокимиятининг “режани ошириб бажариш талаби” ҳам таъсир кўрсатган. Хусусан, 1971 йилда Самарқанд трикотаж фабрикасида янги тикувчилик цехи ишга туширилган. Бу ерда эркаларнинг ва аёлларнинг жун спорт костюмлари тикилган[10]. Шунингдек, айрим фабрикалар пальто ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Хусусан, 1971 йилда йилда Тошкентдаги “Қизил Тонг” тикувчилик фирмаси ҳар куни 300-320 та пальто тиккан[11]. Бошқа томондан, мазкур даврда айрим фабрикалар фақатгина битта кийим маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланмай, балки бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Масалан, Андижон трикотаж фабрикасида 17 хил кийим маҳсулотлари ишлаб чиқарилган[12].

Мазкур даврда республикада кийим маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг машҳур муассаса “Юлдуз” фабрикаси ҳисобланган. “Юлдуз” фабрикаси қизлар ва ўғил болалар мактаб формасини бутун республика савдо тармоқлари орқали тарқатган. Шунингдек, унда эркаларга шерст костюмлари ҳамда ўсмир болаларга костюмлар тикилган. Мазкур фабрика айниқса ўзининг аёллар учун мўлжалланган жакети билан машҳур бўлган бўлиб, уларга четдан ҳам талаб кучли бўлган. Хусусан, “Юлдуз” фирмасининг Чукурсойдаги филиали ҳар куни 2800 та кийим тиккан. Ушбу филиал ғиштдан қурилган уч қаватли бинода жойлашган бўлган. Филиалда 970 нафар тикувчи меҳнат қилган бўлиб, уларнинг 85 фоизи аёллар бўлган. “Юлдуз” фирмасида аксарияти ўрта маълумотли ва ораларида университет-



ларда сиртдан ўқиётганлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳатто 8-синф маълумотида эга ишчилар ҳам бўлган[13].

Уруш тугагандан сўнг бутун иттифокда моддий етишмовчилик бошланган. Бунинг устига кўплаб кишилар урушдан қайтган эди. Шу сабабли кархона ва заводларинг вазифалари уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш эди. Бу жараёнга Тушино парашют заводи ҳам жалб этилган. Хусусан, 1946 йилда заводда ислохот амалга оширилиб, унинг таркибига кирган корхоналар мустақил бўлган ва аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган. Масалан, 1-сонли завод энди асосан ёстиқли курткалар, эркалар кийимлари, ва чойшаблар ишлаб чиқара бошлаган[14].

Завод биноси талабга жавоб бермаган бўлиб, кишда совуқ ва ёзда иссиқ бўлган. Тикув цехларида ишлар агрегат-гуруҳ усулида ташкил этилган бўлиб, барча амаллар қўл меҳнатида амалга оширилган эди. Цехларда одатда 200-250 киши ишлаган[16]. Корхонанинг асосий цехларининг иш режими 8 соат давом этадиган 2 сменада ва 6 кунлик иш ҳафтасида бўлган. Асосий ишлаб чиқариш устахоналари эрталаб соат 7 да иш бошлаган. 1966 йилдаги зилзилагача ишчиларнинг асосий қисми завод ёнидаги ётоқхоналарда яшган ва шу сабабли кадрлар билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмаган[15].

Хулоса қилиб айтганда, 1946-1991 йилларда Ўзбекистон ҳудудида бир қанча тикувчилик фабрикалари фаолият юритган. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон ҳудудида фабрика маҳсулотлари микдори кўпая бошлаган. Бу асосан тикувчилик фабрикаларининг сонлари ошиб бориши ҳисобига юз берган. Ушбу тикувчилик фабрикалари Ўзбекистон ССРда турли сабаблар билан очилган. Хусусан, Иккинчи Жаҳон уруши туфайли кўплаб фабрикалар Ўзбекистондаги шаҳарларга кўчирилган ҳамда улар уруш тугагандан кейин аҳоли учун кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бундан ташқари, бошқа бир қанча тикувчилик фабрикалари қурилган ва ишга туширилган. Уларнинг айримлари маълум турдаги кийим-кечакларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, улар орасида хотин-қизлар кўйлақларини ишлаб чиқарадиганлари салмоқли ўринни эгаллаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 80-варақ.
2. Djuraev Ravshan Xurramovich. The role of livestock products in the foreign trade of Uzbekistan in 1917-1941 years. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal. Volume: 6 | Issue: 8 | August 2020 || Journal DOI: 10.36713/epra2013 || SJIF Impact Factor: 7.032 || ISI Value: 1.188. – Pp. 250-252.
3. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 80-варақ.
4. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 7-варақ.
5. Djuraev Ravshan Xurramovich. Livestock situation and problems in Fergana region. SJIF Impact Factor: 6.260| ISI I.F.Value:1.241| Journal DOI: 10.36713/epra2016 . ISSN: 2455-7838(Online). EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 3 | March 2020. – Pp. 194-196. Article DOI:
6. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 52-варақ.
7. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 54-варақ.
8. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 55-варақ.
9. Radjabov O. Railways of Uzbekistan During the Second World War // European Journal of Life Safety and Stability (EJLSS) ISSN 2660-9630. – Volume 11, 2021. – Pp.195-197. (№23. SJIF Impact Factor 2021:5,63).
10. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 72-варақ.
11. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 86-варақ.
12. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 81-варақ.
13. Раджабов О.А. Взгляд на историю железных дорог Узбекской ССР в 1930-1935 гг. // World science: problems and innovations: сборник статей LIX Международной научно-практической конференции. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». 2021. – С. 99-102.
14. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 89-варақ.
15. Раджабов О.А. История развития железнодорожного транспорта в Узбекистане // Актуальные вопросы, открытия и достижения: сборник статей XXVIII Международной научно-практической конференции. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение», 2021. – С. 94-97.
16. ЎзМА, Р.2872-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 89-варақ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000